

## IN MEMORIAN

### НИШОНОВ МАННОБЖОН НИШОНОВИЧНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИГА



(1949–2019)

Республикамыз ва унинг сарҳадларидан ташқарида ўз ўрни ва овозига эга бўлган таниқли тилшунос-романист, етук олим, табаррук инсон, ёшларнинг суюкли устози, маслаҳатчиси ва мазмунли ҳаёти билан ўчмас из қолдирган Маннобжон Нишонович Нишонов 1949 йил 11 январда Андижон вилояти, Асака тумани Қипчок қишлоғида таваллуд топган.

1966 йили ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг француз тили факультетига ўқишга кирди.

1971 йили мазкур олий таълим муассасасини имтиёзли диплом билан тугатиб, француз тили лексикаси ва стилистикаси кафедрасига ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинди.

1972–1975 йилларда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти аспирантурасида таҳсил олиб, 1979 йили Москва давлат университетидида “Сопоставительное изучение инфинитива во французском и узбекском языках” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва филология фанлари номзоди илмий даражасига, 1991 йили эса доцент илмий унвонига эга бўлди.

1981–1982 йиллари Франциянинг Сорбонна университети илмий тадқиқотчиси.

1983–1985 йиллари Андижон давлат педагогика институтида катта ўқитувчи, факультет декани ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган.

1985–1987 йиллари Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти француз тили кафедраси мудир, 1987-2014 йиллари француз тили факультети декани, магистратура бўлими декани, университет маънавий-маърифий ишлари, академик лицейлар ва маркетинг хизмати ҳамда ўқув ишлари бўйича проректори лавозимларида фаолият юритган.

2014–2019 йиллари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси доценти лавозимида ишлаб келган.

М. Нишонов томонидан ҳаммуаллифликда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда республика умумтаълим мактабларининг 6-, 8-, 11-синфлари учун француз тили дарслиги, республика олий таълим муассасалари 1-курс талабалари учун “Thé ou café” дарслиги, “Французча – ўзбекча луғат”, “Ўзбекча-инглизча-русча-арабча маънавий лугати” яратилган.

2005 йили француз тилини ўқитишда кўрсатган жонбозлиги учун Франциянинг “Академик Пальма” ордени кавалер даражаси билан тақдирланган.

Устознинг 100дан ортиқ илмий мақола ва тезислари республика ҳамда хориждаги нуфузли илмий журналлар ва илмий-амалий анжуманлар материаллари тўпламларида нашр этилган.

М. Нишонов нафақат етук олим, балки моҳир ташкилотчи, ёшларнинг суюкли устози, ҳамкасблари орасида алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга лойик инсон эди. Устознинг республикада тилшунослик фанини ривожлантириш, ёш мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялашдаги хизматлари мамлакатимиз томонидан муносиб тақдирланган.

Бугунги кунда устознинг шогирдларини мамлакатимизнинг барча худудларида, шунингдек бошқа республикаларда ҳам учратиш мумкин. Улар устознинг ишларини фидокорона давом эттириб келмоқдалар.

Устознинг охиратлари обод бўлсин, уларнинг порлоқ хотираси калбимизда мангу яшайди.

**З. Давронова**

Француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудир